



Ушбу сонда:

2 ЕТТИ ИҚЛИМДАН
ДАРАКЛАР

3 Диққат, танлов!

“БИРГАЛИҚДА
ЮКСАЛИШ САРИ!”

4 2021 йил
“MALIBU” БИЛАН
БОШЛАНДИ

5 ГОЛИБЛАРНИ
ҚУТЛАЙМИЗ

6 ТИББИЁТДА
СУҒУРТА

7 КУЛГИ
БЕКАТИ



**Бугун — Ватан
ҳимоячилари
куни!**

Р. ЭШОНОВ олган сурат.

“Hamkorbank” АТБ томонидан 2020 йилда амалга оширилган ишлар якуни, шунингдек, 2021 йилга мўлжалланган устувор мақсадларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Видеоконференция шаклида ташкил этилган тадбирни банк Бошқаруви раиси Жасур Ҳасанов олиб борди.

ва ЯТТларга мўлжалланган банк кредит маҳсулотлари (корпоратив, кичик ва ўрта кредитлар, микрокредитлар, микроқарз экспресс) қолдиқларини 1,2 трлн. сўмга ёки 22 фоизга ўстириш белгиланди.

ланган мақсад — миқдорларга барча турдаги банк хизматлари кўрсатишни ташкил этиш ва рақобатбардошликни таъминлаш.

Йиғилишда иштирок этган банк Кенгаши раиси Икромжон Ибрагимов кун тартибидagi масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Банк фаолиятининг самарадорлигини оширишда изланиб, ташаббус билан фаолият юритиш зарурлиги, амалиётга илғор технологияларни жорий этишнинг аҳамияти нечоғли муҳим эканлигига алоҳида урғу берди. Кенгаш раиси ходимларнинг касб малакасини ошириш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими, жумладан, ўзгармас иш ҳақи тўлаш тоифалари, ўзгарувчан иш ҳақи нисбатлари, КРІ кўрсаткичлари самарадорлигини қайта кўриб чиқиш, иқтидорли ходимларни аниқлаш ва улар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, босқичма-босқич ушбу лойиҳани амалиётга жорий қилиш, соҳада самарали фаолият кўрсатаётганларни номоддий рағбатлантириш, спорт, маданий тадбирларни ташкил этишни янада ривожлантириш юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни белгилаб берди.

Этироф этиш жоизки, жорий йилда “Hamkorbank” АТБ ташкил этилганига 30 йил тўлади. Йиғилишда ушбу қутлуғ тантанага муносиб тайёргарлик кўриш, белгиланган прогноз кўрсаткичларини муваффақият билан бажариш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Наргиза ЭШОНОВА.

КУН ТАРТИБИДА ЙИЛ ЯКУНЛАРИ

Дастлаб 2020 йил учун белгиланган “Бизнес-режа” кўрсаткичларини бажариш ҳолати, корпоратив сотиш бўйича кўрсаткичлар, кредит қўйилмаларини ўстириш борасидаги натижалар, чакана бизнес йўналишининг якунлари, банк кредит портфелининг ҳолати ва унинг сифатини яхшилаш чоралари тўғрисидаги қатор масалалар атрофича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, дунё ҳамжамиятини ташвишга солган коронавирус пандемияси банк-молия тизимида ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмади. Covid-19 барча соҳада янгича ёндашувни, мақсадга эришиш учун бутунлай ўзгача меҳнат фаолиятини талаб этмоқда. Шу боис 2021 йил учун мўлжалланган бизнес режа коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазиятнинг маълум даражада сақланиб қолиши, макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозлари, Марказий банкнинг банк капитали ҳамда ликвидлигини бошқариш бўйича жорий қилган янги талаблари, банк бозоридаги рақобат муҳити ҳамда ўзгаришлар, банкнинг узоқ муддатли Ривожланиш Стратегиясини инобатга олиб, тайёрланди.

САРҲИСОБ

Йиғилишда банк Бошқаруви раиси Ж. Ҳасанов 2021 йилда банкнинг асосий йўналишлари сифатида чакана бизнесни янада ривожлантириш, фоизсиз даромадлар улушини ошириш, ресурс базасини мустаҳкамлаш, банк тармоқлари самарадорлигини яхшилаш, молия муассасасини рақамли банкка айлантириш бўйича лойиҳаларни изчил давом эттириш каби вазифаларни белгилаб берди. Жумладан, чакана бизнесни янада ривожлантириш йўналишидаги устувор вазифа сифатида 2021 йилда чакана кредитлар қолдиғини 800,0 млрд. сўмга, яъни 1,5 баробарга ошириш режалаштирилди. Жорий йилдан миқдорларнинг пул ўтказмаларига қаратилган хизмат тури босқичма-босқич банкнинг масофадан хизмат кўрсатиш каналлари орқали амалга ошириш моделига ўтказилади. Пластик карталардаги маблағлар қолдиғини ҳамда пластик карталар амалиётларидан олинган даромадлар миқдори камида 1,5 баробарга оширилади. Юридик шахс

Шунингдек, жорий йилда ҳам валюта амалиётлари банк учун муҳим йўналиш сифатида қолади. Валюта амалиётларидан олинган фоизсиз даромадлар миқдорини 30 фоизга ўстириш белгиланди. Ресурс базани асосан ички бозордан депозитлар жалб қилиш орқали шакллантиришга эътибор қаратилади. Марказий банк томонидан банк ликвидлигига қўйилган янги талабларга асосан банк ликвидлигини қоплаш коэффициенти (LCR), соф барқарор молиялаштириш коэффициенти (NFSR) ҳамда юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улушига қўйилган минимал талабларни бир вақтнинг ўзида ҳам сўмда, ҳам валютада бажариб бориш лозим бўлади.

Бугунги кунда банк депозитлари долларизация даражасини камайтириб бориш, банкнинг миллий валютадаги ликвидликка бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, бу йил сўмда депозит жалб қилиш рағбатлантирилади.

Жорий йилда минибанкларни “банк хизматлари офиси”га айлантириш ишлари бошланади. Бундан кўз-

БУГУННИНГ НАФАСИ



Шавкат Мирзиёев Қирғизистоннинг янги сайланган Президенти — Садир Жапаровни сайловлардаги ғалабаси билан табриклади

Ўзбекистон етти давлат — Буюк Британия, Италия, Дания, Австрия, Австралия, Нидерландия ва Жанубий Африка Республикаси билан халқаро авиарейслар бўйича чеклов муддатини 1 февралга қадар узайтирди.

Мамлакатимизда хотин-қизлар масалалари бўйича агентлик ташкил этиляпти.

Бир қатор идораларнинг бюджет бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

МИБ "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га бир ойда 64,7 млрд. сўм ўтказди.

Марказий банк 200 миллиард сўмлик облигацияларни муомалага чиқарди

Бюджет кодексига фискал стратегияга оид тузатиш киритилди.

Тошкентда миллий кино санъати ҳафталиги ўтказилди.

1 январдан олис ҳудуддаги ишга жалб қилинган олий маълумотли мутахассисга 11 млн. сўм, шифокорга 30 млн. сўм берилди


Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида ичимлик суви ва оқова сув хизматлари (сув ҳисоблагичи борлар учун) нархлари 1,5–3 бараваргача оширилди.

МАРСДАГИ ҲАЁТ УЧУН БОЙЛИКЛАРИДАН ВОЗ КЕЧМОҚЧИ

Дунёдаги энг бой одамга айланган "SpaceX" космик компанияси асосчиси ва "Tesla" бош директори Илон Маск Марсда колония ташкил қилиш йўлида ўзининг барча мол-мулкни сотиб юборишга қарор қилди.

Бизнесменнинг айтишича, унинг Марсда шаҳар қуриш режаси анча катта маблағни талаб этади. Унинг сўзларига кўра, бу уни ўз бойлиги билан хайрлашишга ундовчи сабаблардан биридир. Яна бир сабаби эса Марсда колония ташкил қилиш борасида қанчалик қатъий қарорга эга эканлигини бутун дунёга намойиш қилиш истагидир.

Аввалроқ Маск 2050 йилгача Марсга 1 миллион одамни юборишни ҳамда 1000 та юлдуз кемасидан иборат флот қуриб, уларни ўша ёққа жўнатишни режалаштираётгани ҳақида гапирган эди.



АСОСИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИ МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ

БМТ дунё аҳолиси асосан сифатли соғлиқни сақлаш, таълим тизимига, шунингдек, тоза сув ва санитария воситаларига муҳтож эканлигини аниқлади.

Халқаро ташкилот томонидан ўтказилган сўровда дунёнинг 193 мамлакатидан 1,5 миллиондан ортиқ одам иштирак этди. Респондентлар иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит ифлосланишини асосий хавф сифатида кўрсатган.

Антарктида осмонидagi рекорд даражада катталашиб кетган озон туйнуғи, табиий жараёнлар натижасида, ўтган йилнинг декабрида ёпилди. Таъкидланишича, 2020 йилнинг август ойи ўрталаридан озон туйнуғи кескин катталашини бошлаган ва 20 сентябрда энг максимум даражасига чиққанди.

РЕКОРДЧИ ОЗОН ТУЙНУГИ ЁПИЛДИ

"Бу озон қатламининг 40 йил аввал кузатишлар бошланганидан бери энг давомли, катта ва чуқур емирилиши эди. Унинг ёпилишига кучли, барқарор ва совуқ кутб шамоли ҳамда стратосферадаги жуда паст ҳарорат сабаб бўлди", — дейилади ЖМТ хабарида.

Антарктида осмонидagi озон миқдори 1980 йилдаги даражасига қайтиши учун яна 40 йил керак, дейишмоқда олимлар.

Қирғизистон пойтахти ҳавоси ифлосланганлиги бўйича дунёда 1-ўринни эгаллади. Бундан "World Air Quality" ("Дунё ҳавоси сифати") халқаро ташкилотининг тадқиқот натижалари дарак бермоқда.

БИШКЕК — ҲАВОСИ ЭНГ ИФЛОСЛАН- ГАН ШАҲАР ДЕБ ТОПИЛДИ

Ҳавоси энг ифлосланган шаҳарлар рўйхатида 2-ўринни Кобул (Афғонистон), 3-ўринни эса Дакка (Бангладеш) эгаллади.

Бишкекда ҳаво ифлосланиши билан боғлиқ вазият охириги



3 йил ичида кескинлаша бошлаган. Мутахассислар бунга бир неча сабабни келтиришмоқда: иссиқлик электр станциясининг сифатсиз реконструкция қилиниши; шамоллар айланишини ҳисобга олмаган ҳолда кўп қаватли уйларнинг бетартиб қурилиши; автомобилларнинг кўплиги.

МАДРИД ҚОР ИЧИДА ҚОЛДИ

Испания пойтахти Мадридда ёққан кучли қор Бараҳас халқаро аэропорти фаолиятини издан чиқарди.

Кейинги 80 йил ичидаги энг кучли қор ёғиши сабабли Мадридда хатарнинг қизил даражаси эълон қилинди. Қорнинг баландлиги 60 сантиметрга етганлиги айtilмоқда. Айни пайтда пойтахтда автобуслар ҳаракатланмаяпти, автомобиллар қатнови деярли тўхтаган. Ҳукумат аҳолини уйларида қолдиришга чакирмоқда.

НАЗАРБОЕВНИНГ ҲУҚМРОН ПАРТИЯСИ 72 ФОИЗ ОВОЗ БИЛАН ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Қозоғистоннинг ҳуқмрон партияси "Нур Отан" парламент сайловларида овозларнинг 72 фоизини қўлга киритди.

Шунингдек, 10,2 фоиз овоз билан "Оқ йўл" демократлар партияси ҳамда Қозоғистон Халқ партияси (9 фоиз) ҳам парламентдан жой олади. Қолган партиялар эса етти фоизли тўсиқдан ҳам ўта олмаган.

Мамлакатнинг биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев партияни ғалаба билан табриклагани айtilяпти.



КИЕВДА "ГИТЛЕР" ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Украина хавфсизлик хизмати Гитлер лақабли террорчи бошчилигидаги радикал неонацистлар ташкилоти фаолиятига чек қўйди.

Киевда ушланган жиноятчининг ҳақиқий исми ошкор қилинмаяпти. Хабар берилишича, у ирқий ва диний асосларга кўра, терактларни амалга ошириш бўйича кўрсатмалар ва қақирқлардан иборат материалларни тарқатувчи тармоқни ташкил этган. Улар орасида 2019 йилда Янги Зеландиядаги масжидларга ҳужум уюштирган австралиялик террорчи Брентон Таррантнинг манифести ҳам бўлган.

Тинтув пайтида рус ва украин тилларида экстремистик материаллар ҳамда неонацистлар белгилари топилди.

БИЗНИНГ МИЖОЗЛАР



Биз ҳам Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги манфаатли ҳамда дўстона муносабатларнинг меваларидан бири бўлган "KO-UNG CYLINDER"нинг бундан кейинги ишларига ривож тилаймиз ва ҳамкорликнинг янада равнақ топишига тилақдошимиз.

Нигора Миролим қизи

"Намкорбанк" мижозлари орасида "Намкор пресс"ни қизиқиб мутолаа қиладиган, газета фаолиятига бефарқ бўлмаганлар талайгина. Ана шулардан бири Кармана туманида жойлашган МЧЖ шаклидаги "KO-UNG CYLINDER" Ўзбек-Корея қўшма корхонаси ходимларидир. Улар 2021 йил учун биринчилардан бўлиб газетамизга обуна бўлишди.

Фаолияти сиқилган газ учун автомобиль газ баллонлари ишлаб чиқаришга қаратилган корхонанинг "Намкорбанк" билан ҳамкорлик ўрнатганига уч йил бўлди. Бош директор Kim Sang Soo банкларнинг имкониятини баҳолай оладиган тажрибали хорижлик мутахассис сифатида айни шу банкни танлади. 2017 йилда Навоий филиалига ҳисоб-рақами ўтказилди. Мана шу даврдан буён қўшма корхона банк хизматларидан фойдаланиб келади ва бу ҳамкорликдан ҳамиша мамнунлигини таъкидлайди.

Илиқ муносабатларнинг яна бир кўриниши "KO-UNG CYLINDER" ходимларининг "Намкор пресс"

"KO-UNG CYLINDER" ХОДИМЛАРИ ЭНДИ БИЗНИНГ ЎҚУВЧИМИЗ



эга бўламиз.

Корхона ўтган йили 23 минг дона маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга эди. Технологиялар модернизация қилинган, ишлаб чиқариш ҳажмини 40 мингтагача етказиш кўзда тутилмоқда. Маҳсулотларни чет давлатларга экспорт қилиш ҳам режалаштириляпти. Агар бу мақсад амалга оширилса, биринчи бўлиб Россия Федерациясига жўнатилади.

Инсон яралибдики бошпана-наси, ватан ичра кичик бир ватан — уйи бўлишини орзу қилади. Узи учун қулай, мақбул шароит яратишни истайди. Теварак-атрофини дидига мос, яшаш тарзига монанд безашни хоҳлайди. Кимдир бу борада Европа стандартларини ёқтирса, яна кимдир миллий анъаналаримизни афзал билади.



ОРЗУ САРИ ДАДЦИЛ ҚАДАМ

Биргина орзу билан ниятга етиб бўлмайди. Мукамал ҳовли-жойни бунёд этиш, рўзгор ташвишларидан ортиб етарли маблағ тўплаш осон эмас. Мижоз манфаатларини узоқ йиллардан буён улуғлаб, ҳаракат стратегиясини айнан ҳамюртларимизга енгиллик яратишга қаратган “Hamkorbank” АТБ бу борада сизнинг ишончли кўмакчингиз. Янги йилнинг дастлабки кунларидан

Ипотека кредитларини тақдим этиш давом этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда фаолият кўрсатаётган банклар ичида биринчилардан бўлиб “Hamkorbank” “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ билан аҳолига қулай шартларда ипотека кре-

дитини ажратиш йўналиши бўйича Бош келишувни имзолади. Унга кўра, молия муассасаси аҳоли вакиллари-ни бирламчи ва иккиламчи уй-жой бозорида 20 йилгача бўлган узоқ муддатли ипотека кредитлари ҳамда хонадонларни таъмирлаш учун мўлжалланган кредитларни молиялаштириб беради. Кредит шартлари ҳамёнбоп эканлиги билан эътиборингизни тортади:

- ✓ Кредит муддати – 20 йилгача
- ✓ Кредит миқдори – 323 млн. сўмгача
- ✓ Фоиз ставкаси – 18 %
- ✓ Бошланғич тўлов – 25 %

Яна бир муҳим жиҳат. “Hamkorbank” уй-жойлар таъмири учун ҳам молиявий кўмак бермоқда. Ушбу кредит турига бошланғич тўлов талаб этилмайди. Таъмирлаш ишларига 80 миллион сўмгача кредит ажратилади. Йиллик фоиз ставкаси 17 фоиз, кредит муддати эса 10 йилгача. Банк томонидан таклиф этилаётган ушбу хизмат тури қисқа муддат-

да хонадонингизни файзли, кўркем кўриниш касб этишига ёрдам беради. Эслатиб ўтамиз, ипотека кредитини 18 ёшга тўлган, 50 ёшдан ошмаган, доимий иш жойига ёки даромад манбаига эга бўлган ҳамюртларимиз расмийлаштириши мумкин. Ўзингизга манзур бўладиган ҳовли-жойлар, замонавий архитектуранинг сўнгги услубида қад ростлаган кўп қаватли турар жой биноларининг мухташам квартираларидан бирига эгалик қилишнинг мақбул йўлини билиб олдингиз.

Ипотека кредитини расмийлаштириш учун ўзингизга қулай бўлган банк филиалларига мурожаат қилишингиз мумкин. Батафсил маълумот олиш учун эса **0 800 1-200-200** рақамига қўнғироқ қилинг.

Банкнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига аъзо бўлинг, банк янгиликларини биринчилардан бўлиб билиб олинг:

t.me/Hamkorbankuz
/HamkorBank.uz/
/hamkorbank_jscb

“Hamkorbank” билан орзуга қулай шартларда эришинг!

“Hamkorbank” АТБ Маркетинг бошқармаси.

Дикқат, танлов!

“Hamkorbank” АТБ нинг ташкил топганига бу йил 30 йил тўлади. Ушбу қутлуғ шодиёна муносабати билан таҳририятимиз “Биргаликда юксалиш сари!” ижодий танловини эълон қилади.

“БИРГАЛИКДА ЮКСАЛИШ САРИ!”

Танлов материаллари (турли жанрлардаги мақолалар, кичик ҳажмдаги бадиий асарлар, суратлар)да мазкур банкнинг тарих зарварақларидаги ёрқин йўли, унутилмас воқеликлар, мамлакатимиз молия бозоридаги ўзига хос ўрни, жамоанинг кенг қамровли фаолияти, шунингдек, банк фахрийлари, фидойилари ҳаётидан лавҳалар, ҳамкасбларнинг хотиралари ўз ифодасини топиши керак.

Жорий йилнинг 1 августига қадар давом этадиган танловда профессионал журналистлар, публицистлар, ёзувчи ва шоирлар ҳамда ҳаваскор қаламкашлар, ижодга қизиқувчи банк ходимлари иштирок этиши мумкин.

Юбориладиган материаллар ҳажми 14 ҳарф катталигида 2 босма қоғоздан ошмаслиги ва унга “Биргаликда юксалиш сари!” танловиға”, деб кўрсатилиши шарт. Таҳрир ҳайъати томонидан танлаб олинган материаллар газетамиз саҳифаларида эълон қилинади. Энг саралари китоб шаклидаги байрам тўпلامига киритилади. Танлов ғолиблари “Hamkorbank” АТБнинг қутлуғ байрами арафасида қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Қадрли ижодкорлар, қаламкашлар, ҳамкасблар! Танловимизда иштирок этинг, “Hamkorbank” АТБнинг янада юксалишига биргаликда ҳисса қўшинг, юбилей совғаларининг совриндорига айланинг! Бу борада Сизга ижодий муваффақият ва омадлар тилаб қоламиз.

Бизнинг манзил: 105100. Андижон шаҳри, Бобур шоҳқўчаси, 53-уй. Тел.: 78-298-01-07.

Email: — hamkor.press@mail.ru,
t.me/hamkorpress_gazeta

“Hamkor press” газетаси таҳририяти.

“ЮВЕНТУС” ЭЛДОР ШОМУРОВОВГА ҚИЗИҚМОҚДА

“Женоа” клуби ва Ўзбекистон миллий жамоаси форварди Элдор Шомуродов А Сериянинг амалдаги чемпиони сафига ўтиши мумкин, дея хабар бермоқда Италиянинг “TuttoSport” нашри.

Нашрнинг ёзишича, Генуя клуби форварди Элдор Шомуродов “Ювентус” эътиборига тушган. Турин клуби ёзги трансфер ойнасида ўзбекистонлик форвардни ўз сафига қўшиб олмоқчи. “Ювентус” жамоа сафида ижара асосида тўп сураётган Альваро Моратани ёзда “Атлетико”га қайтармоқчи. Испа-

ниялик 28 ёшли ҳужумчи ўрнига ўзбекистонлик 25 ёшли форвардни таклиф этмоқчи.

“Ювентус” сентябрь ойида “Атлетико”дан Моратани 9 миллион евро эвазига 2021 йилнинг ёзига қадар ижарага олганди. Келишув шартда футболчини 45 миллион евро эвазига сотиб олиш ҳуқуқи

Янгиликлар



ёзилган бўлса-да, туринликлар раҳбарияти унинг ўрнига Шомуродовга қизиқиш билдира бошлаган.

“БАРСЕЛОНА” “ЭЛ-КЛАСИКО” УЧУН “ЯСАНЯПТИ”

“Барселона” клуби Ла лиганинг иккинчи даврасида бўлиб ўтадиган “Реал”га қарши ўйинга тайёргарликни бошлади.



Каталонияликлар 11 апрель куни бўладиган ўйин учун махсус форма тайёрламоқда. Форманинг юқори қисми одатдагидек бўлиб, унинг пастки қисмида Каталония байроғи ранглари акс эттирилади.

“Барса” ушбу формадан фақат азалий рақибига қарши ўйинда фойдаланади.

Футбол Ичида ва Футбол Атрофидаги ГАПЛАР

ЖАЛОЛИДДИНГА ХАРИДОР БОР

“Пахтакор” етакчиларидан бири Жалолиддин Машарипов клубни тарк этиб, 2021 йилги мавсумда легионерга айланади.

27 ёшли ҳужумкор яримҳимоячи трансфери масаласида Саудия Арабистонининг “Ан-Наср” клуби Тошкент жамоасига таклиф билан чиққан. Ар-Риёд клуби Машарипов учун “Пахтакор”га 1,7 миллион евро трансфер пули тўлаб беришга тайёр. “Пахтакор” эса ўз тарбияланувчиси учун 2 миллион евро сўраган. Музокаралар тез орада якунланиши кутилмоқда.

ОЧЛ: ЯНГИ МАВСУМГА ҚУРЪА ТАШЛАНАДИ

Осиё Чемпионлар Лигасининг 2021 йилги мавсумига 27 январь куни қуръа ташланади.



Қуръа ОФК қароргоҳи жойлашган Куала-Лумпур шаҳрида онлайн-форматда ўтказилади. Турнирнинг қандай тартибда

ўтиши ҳозирча маълум қилингани йўқ. Мусобақада мамлакатимизнинг “Пахтакор” ва ОКМК клублари қатнашади. Тошкентликлар турнирни гуруҳ босқичидан бошлашса, Олмалиқ жамоаси саралаш баҳсларида иштирок этади.

“ИНСТАГРАМ”ДА ҲАМ ЭНГ МАШҲУР

“Ювентус” ҳужумчиси Криштиану Роналду “инстаграм” тармоғидаги энг машҳур шахс бўлиб турибди.

Португалиялик футболчининг ушбу тармоқдаги обуначилари сони 250 млн.га етди ва у бундай кўрсаткичга эришган илк кишига айланди.

Роналдудан кейинги ўринларни америкалик қўшиқчи Ариана Гранде (214 млн.) ва актёр Дуэйн Жонсон эгаллаб турибди.

Футболчилардан “Барселона” сардори Лионель Месси 8-ўринни (175 млн.), “ПСЖ” вингери Неймар 13-поғонани (144 млн.) эгаллаган.



Ҳ. ТУРҒУНОВ тайёрлади.

У ЎЗ ТАНЛОВИДАН ХУРСАНД



эл таъбири билан айтганда, “ўсади-ган кадр”нинг банк соҳасини танлагани уни яқиндан билганларни бироз энсасини қотирди. Бироқ Охунжоннинг ўз орзу-умидлари бор эди. Мактаб чоғиданоқ ҳисоб-китоб ишларини ёқтирарди, иқтисодиёт масала-

Чуст туманидаги Сарқамиш Мирзобод маҳалласи аҳли юзида самимиёт, вужудида ғайрат-шижоат уфуриб турган бу йигитни яхши билишади. Ҳаргал Навбаҳор кўчасидаги файзли хонадонларнинг биридан ораста кийиниб, ишга барвақт отланиб кетаётганини кўришганда дилларида ажиб ҳавас ва ҳайрат уйғонади. “Тавба, яқиндагина ўзимизнинг мактабда эл қатори ўқиб юрарди. Кейин ихтисослаштирилган мактаб-интернатда, академик лицейда таҳсил олди деб эшитгандик. Бешолти йил аввал “Тошкентдаги олийгоҳга кирганмиш”, деган хушxabар тарқалганди. Мана, энди уни битириб, обрўси баланд банкда ишляпти экан. Қанийди, бизнинг болаларимиз ҳам Охунжонга ўхшаб ўқимишли бўлишса, нуфузли жойларда ишлашса... Уни тарбиялаган, ўқитган ота-онасию, устозларига раҳмат!”

Бундан икки йил аввал

пойтахтимиздаги Аграр университетини иқтисодиёт йўналиши бўйича тамомлаган ёш мутахассис - Охунжон Файзиевни туман ҳокимлиги мутасаддилари этибор билан қарши олишди. Таклиф қилинган лавозим ҳам чакки эмас — ҳокимлик инвестициялар ва ташқи савдо бўлими етакчи мутахассиси.

Икки ой ўтиб уни мазкур бўлим бош мутахассислигига лойиқ топишди. Яна икки ой ўтгач эса... у “Намкорбанк” АТБ Чуст филиали чакана бизнес бўлими иш ўрганувчиси сифатида фаолият юрита бошлади. Якунланган йилнинг баҳорида банкда иш ўрганишни бошлаган йигирма беш ёшли йигит кеч кузда бўлим менежерлари қаторидан жой олди. Ҳокимликда нуфузли вазифада иш бошлаган,

БИР ШИНГИЛ СУҲБАТ

- **Севимли китобингиз?**
- Пауло Коэльонинг “Алкимёгар” романи.
- **Севимли фильмингиз?**
- “Гарри Поттер”.
- **Севимли спорт турингиз?**
- Футбол. Испаниянинг Ла-лигаси ўйинларини севиб томоша қиламан. “Барселона”га мухлисман.
- **Бўш вақтингизда кўпроқ нима билан шуғулланишни ёқтирасиз?**
- Фалсафий-психологик китоблар мутолаа қилиш жону дилим.

ларига қизиқарди. Қалб истаги Тошкентга — университетга етаклади. Энди эса банк...

— Банкимизни турдош молия муассасаларига нисбатан устун жиҳатлари бор, — дейди у мулоқотимиз аввалида. — Қатъий тартиб-интизом, мижозларга намунали хизмат, ажойиб меҳнат муҳити мени бу ерга чорлади. Танловимдан мамнунман.

— Иш бошлаганингизга кўп бўлмади. Қийналаётгандирсиз? Ахир ўқиш бошқа, иш бошқа...

Сўровимиздан Охунжон кулимсираб қўяркан, бошиқлик билан давом этди:

— Тўғриси, дастлабига қийин кечди. Янги жамоа, янги ҳамкасблар, муҳитга кўникиш — бу, илк бор иш бошлаган ҳар бир ёшнинг бошида бор. Аслида ҳамма иш ҳам осонмас: машаққатларию роҳатлари бор. Бўлим бошлиғимиз, етакчи менежер Музаффар Ғофоровдан кўп нарсаларни ўргандим. У менга мураббий-устоз. Билмаганларимни эринмай тушунтиради. Олган назарий билимларим асқотаяпти.

Ёш менежер билан суҳбатлашиш асносида келгуси ниятлари билан қизиқсиндим. Севимли жамоасида сеvimли ишини давом эттириш орқали банкнинг нуфузини янада оширишга ҳисса қўшиш, мижозларга инновацион лойиҳалар асосида намунали ва сифатли хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, давлатимиз иқтисодиётини янада раванқ топишида фидойилик кўрсатиш Охунжон Файзиев ва у каби ёш банкирларнинг ниятларида мужассам эканлигидан бохабар бўлдим.

Яхши ниятларингиз ушалаверсин, “Намкорбанк” ёшлари!

Ҳалимжон ТОҲИРОВ

Ижодкор ҳамкасбларимиз

“Намкорбанк” ходимлари орасида ижодга ошно, иқтидорли, адабиётни сеvvувчи мутахассислар ҳам бор. Ана шулардан бири Фарғона минтақавий филиали корпоратив хизматлар бўлими менежери Абдурашид Абдурашуловдир. Унинг ижод намуналаридан бирини этиборингизга ҳавола этамиз.



ОНАЖОНИМГА

Кўзда қувонч кўринмай қолди,
Ҳаловатим буткул йўқолди,
Бу бошгинам минг ўйга толди,
Касал бўлманг, сира сиз, она.

Ўзни ўйланг бўлади бари,
Тугамайди иш деганлари,
Ғамларингиз кетказиб нари,
Касал бўлманг, сира сиз, она.

Бизни эмас ўйланг ўзингиз,
Сўлгин ҳолда кўрмай юзингиз,
Доим кулиб турсин кўзингиз,
Касал бўлманг, сира сиз, она.

Пойингизга бошимни қўйиб,
Меҳрингиздан олайин тўйиб,
Қабоқ қилиб берай, қўй сўйиб,
Касал бўлманг, сира сиз, она.

Набиралар ўйнатиб юринг,
Отам билан кўп даврон суринг,
Қани менга бир кулиб қўйинг,
Касал бўлманг, сира сиз, она.

Дуоғўйим жаннатим менинг,
Тўкиб турган савлатим менинг,
Бор-у йўғим, давлатим менинг,
Касал бўлманг, сира сиз, она.

Абдурашид АБДУРАСУЛОВ

Ҳаёт бизга қачон қандай мукофот тақдим этишини билмаймиз. Аммо яхши ният билан умид қилиб яшаган инсон, албатта, муродига етади.

“Ҳамкормазлизинг” МЧЖ бош директори Шаробиддин Нажмидиновга мана шундай ажойиб туҳфа насиб этди. Қарангки, 2020 йилда пандемия туфайли бир қанча яқинларини йўқотган қаҳрамонимизга 2021 йилнинг қадами қутлуғ келди. У “Malibu” автомашинаси соҳибига айланди. “Ҳа, энди пули бўлса машина нима, олаверади-да”, дерсиз. Йўқ, бу қимматбаҳо машинани пулига эмас, лотерея орқали ютиб олди. Мамлакатимиз автосаноатининг энг қиммат русумли маҳсулотларидан бири ҳисобланган мазкур автомашинани омад туфайли қўлга киритди.

— Бунга ҳалол меҳнатларим ва ишимнинг ортидан эришдим, — дейди Ш.Нажмидинов. — “Намкорбанк” тизимида ишламаганимда бундай имкониятга эга бўлмас эдим. Мана шу тизим мени шахс, мута-



2021 ЙИЛ “MALIBU” БИЛАН БОШЛАНДИ

хассис сифатида шакллантирди, банк раҳбарларининг, устозларнинг қўллаб-қувватлаши, ўқиб-ўргатиши натижасида шу даражага етдим.

“Navoi Prom Grand” масъулияти чекланган жамияти четдан қурилиш

учун махсус техника воситалари олиб келиб сотиш билан шуғулланади. Биз мана шу жамиятнинг техникаларини лизинг орқали мижозларга тақдим этамиз. Ҳалол иш олиб борганимиз учун МЧЖ билан ўртаимизда илиқ

Қувончли воқеа

ҳамкорлик муносабатлари мавжуд. Бу ҳамкорликнинг ҳурмати сифатида улар 2020 йил 26 декабрь куни жамоамизни Янги йил байрам дастурхонига таклиф қилишди.

Тадбирда иштирокчиларга ҳар хил ютуқлар қўйилган лотерея тарқатилди. “Navoi Prom Grand” бу лотереяни ўз меҳмонларига байрам кайфияти улашиш мақсадида ташкил қилган экан. Жамоамиздан 4 киши ютуққа эга бўлди. 2 нафар ходимимиз чангюткич, бир нафари телевизор, менга эса “Malibu-2” автомашинаси насиб этди.

Тўғриси, ана шу пайтдаги таасуротларимни сўз билан тасвирлаб бера олмайман. Кутилмаган бу совға мени ҳаяжонлантириб юборди. Айни пайтда ўзимнинг шахсий автомашинам йўқ эди. Мана энди омад кулиб боқиб, “Malibu-2”га эга бўлдим. 2021 йил мен учун ана шундай қувончли воқеалар билан бошланди.

Биз ҳам қаҳрамонимизга мана шундай бахт, омад доимо ҳамроҳ бўлишини тилаймиз.

Нигора ТЎХТАМАТОВА

“НАМКORBANK” АТБ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

“ЭНГ САМАРАЛИ ФИЛИАЛ”

НОМИНАЦИЯСИ БЎЙИЧА
РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

1-ГУРУҲ

Яккасарой филиали I ўрин

2-ГУРУҲ

Урганч филиали I ўрин
Нодирабегим филиали II ўрин

3-ГУРУҲ

Марғилон филиали I ўрин

4-ГУРУҲ

Денов филиали I ўрин

5-ГУРУҲ

Юнусобод филиали I ўрин
Ҳазорасп филиали II ўрин

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ КОРПОРАТИВ ХИЗМАТЛАР БЎЛИМИ БОШЛИҒИ

Фарҳод Абдурахмонов — Аска филиали корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЧАКАНА БИЗНЕС БЎЛИМИ БОШЛИҒИ

Отабек Соатов — Денов филиали чакана бизнес бўлими бошлиғи.

МИЖОЗ ЖАЛБ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ХОДИМИ

Алишер Ўрмонов — Фарғона минтақавий филиали Қирғули минибанки бошлиқ-етакчи менежери;

Ферузбек Хўжаев — Урганч филиали Хива минибанки бошлиқ-етакчи менежери;

Жасурбек Ҳалимов — Юнусобод филиали Юнусобод — 4 минибанки бошлиқ-етакчи менежери.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ КХБ СОТИШ МЕНЕЖЕРИ (ЙИРИК СЕГМЕНТ)

Равшанжон Раҳимбобоев — Яккасарой филиали корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ КХБ СОТИШ МЕНЕЖЕРИ (ЎРТА СЕГМЕНТ)

Муҳаммадраҳимбек Раҳимов — Наманган минтақавий филиали корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи.

“2020 ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛЛАРИ”

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ СОТИШ МЕНЕЖЕРИ (ОММАВИЙ СЕГМЕНТ)

Сардорбек Абдуқаҳҳоров — Қўрғонтепа филиали корпоратив хизматлар бўлими менежери;

Абдурашид Абдурашулов — Фарғона минтақавий филиали корпоратив хизматлар бўлими 1-тоифали менежери.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЧАКАНА БИЗНЕС БЎЛИМИ МЕНЕЖЕРИ

Шоядбек Одилов — Шаҳар амалиёт бошқармаси чакана бизнес бўлими 1-тоифали менежери;

Мавлуда Дадажоновна — Қувасой филиали чакана бизнес бўлими менежери.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТ МЕНЕЖЕРИ

Баҳром Мейликулов — Қарши филиали чакана бизнес бўлими менежери;

Сарвар Сейтов — Нукус филиали чакана бизнес бўлими етакчи менежери;

Моҳинур Муродова — Термиз филиали чакана бизнес бўлими менежери.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ХИСОБ-РАҚАМ МЕНЕЖЕРИ

Феруза Исмазова — Олмалик филиали корпоратив хизматлар бўлими транзакцион менежерлари 1-тоифали менежери.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ХИСОБ-РАҚАМ МЕНЕЖЕРИ (ХВА)

Шаҳбоз Жаннатова — Яккасарой филиали корпоратив хизматлар бўлими транзакцион менежерлари етакчи менежери (ХВА).

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ СРО МЕНЕЖЕРИ

Абубакир Жолдасбоев — Нукус филиали корпоратив хизматлар бўлими 1-тоифали менежери.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ МИНИБАНК МЕНЕЖЕРИ (ОММАВИЙ СЕГМЕНТ)

Маъмуржон Бурхонов — Марғилон филиали Олтиариқ минибанки менежери;

Камолиддин Мирзакулов — Термиз филиали Жарқўрғон минибанки бошлиқ-етакчи менежери;

Асилбек Ибрагимов — Бухоро филиали корпоратив хизматлар бўлими менежери.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ МИНИБАНК УНИВЕРСАЛ МЕНЕЖЕРИ

Садриддин Қаюмов — Денов филиали Қалдирғоч минибанки 1-тоифали менежери;

Равшанбек Турғунов — Чуст филиали Фазо минибанки менежери.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ МИНИБАНК ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТ МЕНЕЖЕРИ

Азизбек Алимов — Шаҳрихон филиали Шохбекат минибанки 1-тоифали менежери;

Умиджон Юлдошев — Қувасой филиали Кува минибанки менежери.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЧАКАНА БИЗНЕС БЎЛИМИ КАССИРИ

Гулсора Норбоева — Тошкент филиали чакана бизнес бўлими кассири.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ВАШ ХОДИМИ

Аъзамхон Темиров — Марғилон филиали чакана бизнес бўлими ВАШ назоратчиси.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ КАССИРИ

Барно Исҳоқова — Яккасарой филиали касса амалиётлари бўлими чиқим касса кассири.

Отабек Шодмонов — Ургут филиали касса амалиётлари бўлими назоратчи кассири.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ МИДЛ ОФИС ХОДИМИ

Музаффар Дадажонов — Қувасой филиали мидл офис бош ҳисобчиси.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ БЭК ОФИС ХОДИМИ

Баҳодир Аҳмедов — Марғилон филиали Бэк офис етакчи мутахассиси;

Алишер Қурбонов — Навоий филиали Бэк офис етакчи мутахассиси.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ УНДИРУВ ХИЗМАТИ МУТАХАССИСИ

Илёсжон Ҳикматов — Марғилон филиали ундирув хизмати бошлиғи.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ХУҚУҚШУНОСИ

Шерзодбек Отакулов — Нодирабегим филиали ундирув хизмати етакчи хуқуқшуноси.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ КЕЙИНГИ НАЗОРАТ ХОДИМИ

Беҳзод Ҳайдаров — Бухоро филиали Мидлофис 1-тоифали мутахассиси.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ IT МУТАХАССИСИ

Ўткирбек Исломов — Шаҳар амалиёт бошқармаси Мидлофис етакчи мутахассиси.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ХОДИМЛАР БИЛАН ИШЛАШ МЕНЕЖЕРИ

Умида Абдуллаева — Хоразм минтақавий филиали Хоразм минтақавий HR менежери.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ "MOODLE" ТИЗИМИ ЎРГАНУВЧИСИ

Ферузжон Норов — Навоий филиали корпоратив хизматлар бўлими 1-тоифали менежери;

Нигорахон Пайзиева — Нодирабегим филиали Мидлофис офис менежери;

Фахриддин Ҳожибоев — Бош банк филиали экологик экспертиза ва мониторинг сектори мутахассиси.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ МУРАББИЙ

Нурилло Исмоилов — Қўқон филиали чакана бизнес бўлими 1-тоифали менежери.

ЙИЛНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ БИЗНЕС ҒОЯСИ МУАЛЛИФИ

Шухратбек Воҳидов — Бош банк касса иши ва инкассация сектори етакчи мутахассиси.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ТАШАББУСКОР ХОДИМИ (БИС)

Жасур Жўраев — Навоий филиали чакана бизнес бўлими бошлиғи.

СЎЗ — ҒОЛИБЛАРГА

— 2020 йил бутун дунё учун таҳликали йил бўлди. Бу бизнинг фаолиятимизга ҳам таъсир қилмасдан қолмади. Пандемия даврида мижозлар билан ишлаш осон кечмади. Филиалимиз марказда жойлашгани учун ташриф буюрувчилар кўп бўлди. Ана шундай вазиятда нақд пул билан муомала қиладиган биз — касса ходимларидан катта масъулият ва ҳушёрлик талаб этилди. Баъзан бир неча ходимнинг вазифасини бир ўзимиз бажаришимизга тўғри келди. Ўзимни меҳнатқашман, деб айта



Гулсора НОРБОВЕВА — Тошкент филиали чакана бизнес бўлими кассири, “Йилнинг энг яхши чакана бизнес кассири” номинацияси ғолиби

оламан. Ишдан қочмайман. Зимамдаги вазифани ҳар қандай шароитда бажаришга ҳаракат қиламан.

Касса соҳасида 17 йиллик тажрибага эгаман. Қўлим бўшаса, бўлимдаги бошқа ходимларнинг ишини ҳам қиламан. Жамоада бирдам бўлиб, бир-биримизга кўмак бериб ишлашга одатланганмиз. Шу боис ғолиб бўлишимда бутун жамоанинг ҳиссаси бор. Бир кунда 1 миллиард сўмгача пул санайман.

Меҳнатларим ва узоқ йиллик тажрибам муносиб баҳоланганидан хурсандман. Мени шу номга лойиқ деб топган банк раҳбариятига ўзимнинг миннатдорчилигимни билдираман.

— Марғилон филиалида 10 йилдан буён ишлаб келаман. Ўтган йили ундирув хизмати бўлимига бошлиқ этиб тайинландим. Асосий вазифамиз муаммоли кредитларни ундириш ва муаммо келиб чиқмаслигининг олдини олишга қаратилган.

2020 йилда фаолиятимиз самарали кечди. Аслида кредит операциялари 100 фоиз риск билан амалга ошириладиган жараён. Бу соҳада, барибир, муаммо юза-



Илёсжон ҲИКМАТОВ — Марғилон филиали ундирув хизмати бўлими бошлиғи, “Йилнинг энг яхши ундирув хизмати мутахассиси” номинацияси ғолиби

га келади. Ўтган йили ҳам ана шундай кредитлар бўлди.

Муаммо юзага келса, уни ҳал қилиш учун кўп вақт талаб этилади. Яхшиси, ана шу ҳолатга йўл қўймасдан олдиндан чора кўрган маъқул. Бунинг учун мижоз билан доимий мулоқот, пухта мониторинг керак. Бундан ташқари, жамоавий ҳатти-ҳаракатлар, бошқарув томонидан белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш, ҳар битта масалани кенгашда муҳокама қилиш орқали ижобий натижаларга эришса бўлади.

Жамоамизда “Менинг ишим фақат мана бу” деган тушунча йўқ. Филиал кредит комиссиясида муҳокама қилинадиган барча режа топшириқларни ҳар бир ходим вазифаси деб ҳисоблайди. Шу қатори мен ҳам фақат ундириш хизмати билан чекланиб қолмай, мижоз жалб қилиш, улар билан мулоқот ўрнатиш каби жараёнларга ҳам ўз ҳиссамни қўшаман. Ғолиб бўлишимда ана шу жиҳатлар муҳим роль ўйнаган бўлса керак.

Бор бўлсин саховат!

Булоқбошида Ўзбекистон “Адолат” СДП Андижон вилоят Кенгаши ташаббуси билан “Саховат йўлида бирлашайлик!” лойиҳаси доирасида хайрия акцияси ўтказилди. Шу куни “адолатчилар” имконияти чекланган ва ижтимоий кўмакка муҳтож болалар яшайдиган хонадонларга кириб бордилар.



СЕН ЁЛФИЗ ЭМАССАН, БОЛАЖОН!

Тадбирдан кўзланган мақсад — имконияти чекланганларга меҳр кўрсатиш, ёлғиз эмасликлари ва ҳаётга бўлган ишончини мустаҳкамлаш. Болаларнинг саломатликлари ўрганилди, даволаниши зарур бўлганларга тиббий ёрдам кўрсатиладиган бўлди. Жамоатчилик бу хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлади.

Учкўча маҳалла фуқаролар йиғини Фароғат кўчасида яшовчи Муҳаммадйусуф Топилов 2012 йилда туғилган, 2-гуруҳ ногирони. Тенгдошлари каби мактабга бориш, футбол ўйнаш унинг орзуси. Бироқ саломатлиги сабаб тушкун кайфиятда. У билан ўтказилган суҳбат “Менинг орзуларим”, деб номланди. Соғлом бўлиш учун биринчи навбатда инсоннинг ўзида ишонч бўлиши зарурлиги, бугунги тиббиёт ва имкониятлар ҳақида гапирилганда унинг ҳаёт хулосалари ўзгарди. Соғлиғини тиклаш учун биргаликда курашишга қарор қилди.

М. Исмоилий МФЙ, Гулдаста кўча, 104-уйда яшовчи Ойдин Азамжонова уйдан чиқмай бир жойда ётади, имконияти чекланган. Онаси ёрдамида китоб ўқишни ёқтиради. “Адолатчилар” унга китоблар жамламаси совға қилганда кўзлари қувонч ёшларига тўлди. Хурсанд бўлганидан ўзи ёд олган шеърларни айтди.

Саховат юриши давом этмоқда.

Қосимжон ҚАЮМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрда “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарор ижроси жорий йилдан амалга оширилишини эътиборга олиб, унинг асосий ижрочиларидан бири ҳисобланган Давлат тиббий суғурта жамғармасининг ижрочи директори биринчи ўринбосари Зоҳид ЭРМАТОВга мурожаат қилдик ва ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб олдик.

— Қарорда назарда тутилган Сирдарёдаги тажриба-синов лойиҳасидан кўзланган мақсад нима?

— Бу соғлиқни сақлаш вазирлигининг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари асосида тиббиётнинг бирламчи ва шифохоналар тизимида кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг янги модели ҳамда уларда янги молиялаштириш усуллари жорий қилиш тўғрисидаги таклифидир. Унда соҳадаги халқаро тажрибанинг ижобий жиҳатлари синаб кўрилади. Бундан асосий мақсад — ажратилган Давлат бюджети маблағлари доирасида кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг сифати ва оммавийлигини таъминлаш. Лойиҳа муваффақиятли кечса, ушбу тизимни ҳудудларга босқичма-босқич татбиқ этиш юзасидан Ҳукуматга таклифлар киритилади.

— Нега тажриба ҳудуди сифатида айнан Сирдарё вилояти танланди?

— Сирдарё жойлашуви жиҳатидан пойтахтга яқин бўлгани учун тизимни ахборотлаштириш бўйича олиб бориладиган режадаги ишлар қулай кечадди. Қолаверса, аҳоли сони жиҳатидан кам сонли (охирги маълумотларга қараганда, 846,3 минг нафар) вилоят бўлишига қарамай, ўз таркибида шаҳар ва туманларни жамлаган. Бундан ташқари, вилоят чегарадош ҳамда олис ва чекка ҳудудларга эга. Бу эса тажриба-синов лойиҳасида турли “сценарий”ларни синаб кўриш имко-

ДИҚҚАТ: ТИББИЁТДА СУҒУРТА

нини беради.

— Қарорда кафолатланган пакет деган жумла бор. Бу нимани англатади?

— Маълумки, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш учун давлат бюджетидан маблағ ажратилади. Янги лойиҳада ушбу маблағлар доирасида бепул тиббий хизматлар ва дори воситаларини ўз ичига олган кафолатланган пакет шакллантирилиши кўзда тутилган. Натижада аҳоли учун қайси тиббий хизматлар бепул кўрсатилиши аниқланади ва бундай маълумотлар ҳар бир тиббиёт муассасида мавжуд бўлади.

— Лойиҳада тиббий суғурта механизмларини жорий этиш бўйича ҳам сўз юритилган. Суғурта деганда ҳаёлимизга дарҳол пуллик тўловлар келади...

— 2025 йилгача республикамызда мажбурий тиббий суғурта тизими босқичма-босқич ўтилади. Ҳукумат ташаббуси билан 2019 йилда ЖССТ экспертлари маҳаллий мутахассислар билан ҳамкорликда Ўзбекистонда мажбурий тиббий суғуртани жорий қилишнинг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқди. Таҳлил натижаларига

кўра, иқтисодиётнинг расмий секторида меҳнат қиладиган аҳоли даромадларидан ажратма (бадал)лар жорий қилинишидан тушумлар соғлиқни сақлашга йўналтириладиган жами маблағлар салмоғининг жуда кам қисмини ташкил қилиши, Ўзбекистонда мажбурий тиббий суғуртани молиялаштиришнинг энг мақбул йўли аҳоли даромадларидан қўшимча ажратмалар жорий қилмасдан, умумий солиқларга таянган ҳолда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиб, тиббий ёрдам сифатини оширишга эътибор

қаратиш эканлиги хулоса қилинди. Шу муносабат билан жорий қилинаётган тизимда тиббий ёрдам кўрсатиш учун аҳоли ўз даромадидан ажратма (бадал)лар тўлаши кўзда тутилмаганлиги ҳамда ушбу тизим мажбурийлик характери эга эмаслиги ва давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилиши муносабати билан унинг номланиши давлат тиббий суғуртасига ўзгартирилди.

— Тажриба-синов лойиҳаси қанча муддат давом этади?

— 2021 йилнинг 1 июлидан 2022 йилнинг якунига қадар давом этиши белгиланган. Ҳозирда ушбу лойиҳани амалга ошириш учун Сирдарё вилоятида тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Н. ТЎХТАМАТОВА суҳбатлашди.

ЭЪТИРОФ

Журналда таъкидланганидек, Байден 2020 йил 7 ноябрда ўтказилган сайловларда жуда фаол иштирок этди ва 81 миллион овоз тўплаб, рақиби Дональд Трампдан ўзиб кетди. Бу билан у 44-Президент Барак Обаманинг рекордини янгиллади.

“Байденнинг ғалабаси авлодлар ўзгариши, Американинг хилма-хиллиги тимсолига айланган Камала Харрис билан узвий боғлиқдир”, деб ёзади



2020 ЙИЛ ОДАМИ — ЖО БАЙДЕН ВА КАМАЛА ХАРРИС

Маълумки, Американинг “Time” журнали 1927 йилдан буён декабрь ойининг энг охирги сониди “Йил одами” номинациясини эълон қилиб келади. 2019 йилда бу номга шведиялик экофаол Герта Тунберг лойиқ топилган эди. Ўтган йилнинг сўнггида АҚШнинг навбатдаги Президентлиги сайловида ғолиб чиққан Америка давлат ва сиёсат арбоби Жо Байден ва вице-президент бўлиш арафасида турган Камала Харрисни “2020 йил одами” дея эътироф этди.

“Time”. Харрис АҚШ вице-президенти лавозимини эгаллаган биринчи афро-америкалик аёлга айланиши мумкин.

Камала америкалик ҳуқуқшунос ва сиёсатчи бўлиб, шу кунгача Калифорния штати бош прокурори ва сенатор вазифасида фаолият юритиб келган. Эндиликда у АҚШ демократик партиясининг аъзоси сифатида АҚШнинг вице-президентлигига сайланди.

Эслатиб ўтамиз, АҚШнинг янги раҳбарлари 2021 йилнинг 20 январидан расман ўз вазифасини бажаришни бошлайди.

ОСИЁ тайёрлади.



Ў Искандар Зулқарнайннинг Ўрта Осиёга юришига тирик гувоҳ бўлганлар ҳозирда ҳаёт... Булар Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги улкан икки арча дарахтларидир.

Ў Ўрта Осиёнинг энг катта чинори Ашхобод яқинида ўсади. Бу чинорни “етти оғайни” деб аташганича бор. Чунки етти чинор бир илдиздан озиқ олади ва 19,5 метр майдонни эгаллаган. Олимларнинг фикрича, улкан чинорнинг ёши минг йилдан ошган.

Ў Маълумотларга кўра, Австралияда кенгурулар сони аҳоли сонидан уч карра зиёд экан.

Ў Алоэ дунёдаги энг қадимги шифобахш ўсимликлардан. Унинг шарбатидан куйган, шикаст топган инсон аъзолари тез малҳам топишини аждодларимиз ўша пайтларда ҳам билишган.

Ў Бодом иккинчи маротаба гулласа, қиш қаттиқ келади.

Тунги сменада ишлаб, ҳориб оёғимни судраб иккинчи қаватга аранг кўтарилиб, уйимизга кириб уст кийимларимни ечиб улгурмай, эшикни кимдир тақиллатди. Уйда ўзимдан бошқа ҳеч ким йўқ, хотин ишга, болалар мактабга, боғчага кетишибди. Эринибгина бориб эшикни очдим. Йўлакда икки қўлида каттагина латта халталарини кўтариб олган аёл турарди:

— Қатуғ керакмасми? — сўради аёл секингина. Жавобимни ҳам кутмай, — Ёғли сут ҳам бор, — деб қўшиб қўйди.

Бошимни чайқаб, “йўқ” ишорасини қилдим-да, эшикни ёпдим. Анча вақтгача рўпарамиздаги эшикни тақиллаётгани эшитилиб турди. Қўшнилари йўқ шекилли, аёлинг зина бўйлаб пастга тушаётган оёқ товуши эшитилди. Аввал ғашим келган бўлса ҳам, бироз ўтгач бунни яхшиликка йўйдим. Ахир хизмат кўрсатишни ривожланишининг бир кўринишида бу ҳам. Бир вақтлар “сут-қатик” маҳсулотлари дўконига саҳарлаб бориб навбатда турардик. Энди уйимизга олиб келяпти.

Эшик яна тақиллади. Бориб очишга улгурмасданок, “Қовоқ сомса, олиб қолинг... қовоқ сомса”, деганча яна бир аёл ҳали у, ҳали бу эшикни тақиллатиб кетиб бораётганини англадим. Унинг ортидан чийилдоқ овозда “иссиқ нўхат” деган таклиф ҳам улаиб кетди.

Қўл силтаб, секин-аста ечиниб жойимга чўзилдим. Туни билан мижжа қоқмаганман, мириқиб ухлаб олишим керак. Бироқ ҳали кўзим юмилиб улгурмай, кўп қаватли уйимиз олдида машинанинг гувиллагани, тўхтагани ва кимнингдир бақиргани эшитилди:

— Қовун-тарвузлар келди. Деразамизнинг шундоққина тагида ғала-ғовур, савдолашишлар қулоққа чалина бошлади. Ғудрана-ғудрана у ёқ, бу ёққа ағдарилиб ётсам, эшик яна тақиллади ва аёл кишининг товуши эшитилди.

— Пастга қовун-тарвуз келди, қўшни. Керак бўлса олволинг.

Миқ этмадим, гапиргани ҳолим йўқ. Тинчгина жиндай дам олволсам дейман. Бироқ зум ўтмай “хизмат кўрсатиш соҳаси” вакилларидан яна бирининг овози жаранглади:

“Горячие перашки... гор-



рячие перашки”...

Овоз аввал уйимизнинг олд томонидан, кейин хонадонимиз йўлагидан, ҳеч қанча ўтмай юқори қаватлардан эшитилиб турди. Бир ғудранаман, бир кулгим келди. Нима бало, булар менга ўчакишяптими? Жимгина дам олишга қўйишмайди-я. Ривожланган давлатларда одамларнинг каттагина қисми хизмат кўрсатиш соҳасида банд деб ўқигандим. Биздаям бу соҳадагилар кўпайгандан-кўпайди. Яқинда “дом”имиз олдида икки аёл келиб, хонадонларни йиғиштириб, дераза ойналарини ювиб беришларини айтишибди. Бозорчи қўшнимиз уларни уйига олиб кириб ишлатибди, меҳмон қилибди, хизмати-га яраша пулини бериб, кузатиб қўйибди. Бозорчи опа арзиммаган пулга хонадонини, гиламларини, деразаларини ярақлатиб, тозалаб берган икки аёлни хўп мақтаб юрди-ю, икки кун ўтгач, тақинчоқлари турадиган — қутчасини ҳам “тозалаб” кетишганини билгач, дод-вой солиб у ёқ, бу ёққа югуриб қолди.

Қовун-тарвуз бозори якунига етмай уйимиз олдида яна бир машина келиб тўхтади, буниси бир йўла радиокарнайдан гапирди:

— Қозоғистон унлари...

Озгина фурсат ўтгач, эшик-

ни яна ҳалиги қўшни аёл тақиллатди.

— Қўшни пастга ун келди. Қозоғистонники. Хотинингиз айтувди беҳабар қолмайлик, деб... Мен тушяпман, агар пул берсангиз, сизларга ҳам олиб чиқаман. Ўзиям аёлингиз мантини зўр қилади-да.

Ноилож эшикни очиб пул билан халтани узатдим. Ростдан хотиним ҳамир овқатларга уста. Шунинг учун ҳам қўшнидан илтимос қилган бўлса керак. Бир томони аёл кишини овора қилиб қўйганимдан хижолат бўлдим, яна ўзи айтди-ку, деб кўнгилни тинчлантирдим. Мен тушганим билан хамировқатбоп унни танлашни билмайман. Қўшни аёл унни олиб чиққунча ҳам ҳолим етмай энди ёнбошлаган эдим, эшик тақиллади.

— Қўшни, унингизни олинг.

Унни олиб, раҳмат айтиб, эшикни маҳкамроқ ёпдим. Энди бўлгандир. Тинчгина дам олгани қўйишар, дея ўрнимга ётиб, бошимни ҳам ёпинчиққа буркаб олдим. Бироқ энди уйқум қочган, ўйланиб ётиб, дурустроқ дам ололмаяпман, ҳализамон кеч кириб қолса, тунги сменада қандай

ишларканман, деб асабим бузила бошлади. Ишлаб турган дастгоҳнинг олдида кўзим илиниб қолса борми?.. Худо кўрсатмасин. Хаёлимга келган ўйлардан ўзим қўрқиб кетдим.

Маълум вақт нима қиларимни билмай, хонадонда у ёққа, бу ёққа юрдим. Китоб олиб, варақлаб кўрдим. Ўқиёлмадим. Кўзим юмилиб кетяпти. Телевизорни қўйдим. Нима ҳақда гап кетаётганини ҳам илғаёлмай ҳали у, ҳали бу каналга оламан. Йўқ, бўлмади. Ўчирдим. Ўзимни мажбурлаб жойимга чўзилдим. Юқори қаватда бўлса керак, кимнингдир “Телевизор тузатаман, радиоприёмник тузатаман”, деган овози қулоғимга чалинди. Ҳализамон бизни эшикни қоқиб қолишини ўйлаб “уф” тортдим.

Яна эшик таққиллагандай бўлди. Ўзимни тутолмай, бақирдим:

— Бўлди-да энди, асабни тугатдинглар-ку!

Эшик олдида висир-висир, шивир-шивир эшитилди-да, жимиб кетишди. Бироқ унча узоқ вақт ўтмай эшик яна таққиллади.

— Асабим тугади, вой-вой...

— Шунинг учун келдик-да, шифокорлармиз. Қўшнилариңиз асабим чатоқ деганиңизни эшитишган

Карикатура муаллифи Ҳусан СОДИҚОВ

Ҳабиб СИДДИҚ

экан. Шунини айтишувди, дарров етиб келдик.

— Чақирганда бир соатда келмайсизлар-у... Майна-возчиликни бас қилинлар. Ҳазиллашишга бало борми?

— Ҳазиллашаётганим йўқ. Яхши асаб докториман, хизматимдан фойдаланиб қолинг. Хизмат нархи унча қиммат эмас.

— Йўқол!!! — деб бақирдим. — Тинчлик керак менга. Сенларнинг дастингдан эрталабдан буён ўлар бўлсам — ўлиб бўлдим!

— Ие, унчалик бўлса ҳозир айтворамиз.

Кимни айтворишади?.. Нимани айтворишади?.. Тушунолмай баттар хунобим ошиб беихтиёр санчий бошлаган кўкрагимни чангалладим. Юрагим тез-тез уриб, нафас олишим қийинлашиб бораётганини сездим. Секин чўзилиб ҳапдорини олдим, тилимнинг тагига ташладим-да, ёнбошлаганча кўзимни юмдим. Дорининг таъсириданми ёки бақириб юрагимни бўшатиб олганимгами сал тинчланиб, ором ола бошлагандай эдим. Бироқ яна кўз тегди — эшик тақиллади.

— Ким-у? — дедим хаста овоз билан.

Эшик олдида биров сал йўталиб олди-да, деди:

— Сизларга яратганининг ўзи сабр-қаноат берсин.

— Нима?..

Ташқаридагилар бир зум жим қолишди. Кейин улардан бири пастроқ овозда деди:

— Манзилни адаштириб қўймадикмикин ишқилиб?..

Янглишмаганликларига ишонч ҳосил қилишди шекилли, гапини дадилроқ давом эттирди:

— Элнинг хизматида бел боғлаганларданмиз... Мабо-до... гўрковга хизмат йўқми?

— Ўладиган аҳмоқ йўқ!!! — деб бақирдим. Кейин бирдан асаб шифокорининг “ҳозир айтворамиз” деган гапи ёдимга тушиб, овозимни баралла қўйиб, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбордим. Ҳаммаси тайёр туришганини қаранг-а?.. Бошига олма тушган олимдек ҳайқирмаган бўлсам-да, ичимда “Топдим!”, деб шартта ўрнимдан турдим. Ўрнашиброқ ўтириб олдим-да, ҳажвия ёза бошладим. Ёздим. Сиз ўқидингиз. Ҳозирча бор гап шу холос.


Қадимда Кавказ тарафларда узоқ йиллар бирга яшаган бўлса-да, бирон марта жанжаллашмаган чол-кампир бор экан. Жуда аҳил бўлган бу оилага одамлар доим ҳавас билан қараган.

Бир куни шунча йил бирор низосиз, жанжалсиз кечирилган турмушнинг сирини момодан сўрашибди. Момо эса қуйидагича ҳикоя қилиб берибди: “Қизлигимда мени сўраб қўшни қишлоқдан совчилар келишди. Ота-онам розилиги билан тўй бўлди. Куёв мени от-аравада ўз қишлоғига олиб кетди. Йўлда кетар эканмиз, от бир марта тепинди. Эрим “бир” деди. Яна бир оз йўл юрганимиздан сўнг от яна тепинди. Эрим ғазабланиб, “икки” деди.

Йўлда давом этдик. Манзилга етай деган эдик. От учинчи марта тепинди. Эрим “уч” деб дарҳол

“ЧЕЧЕНЧА ДАРС”

аравани тўхтатди. Жаҳл билан милтигини олиб, отни отиб ташлади. Мен турмуш ўртоғимнинг бу жоҳиллигидан ҳайратда қолдим. Унга бақирдим:



“Сен қандай шафқатсиз инсонсан? Шу иш учун жониворни ўлдириш шартмиди?” Эрим менга қараб, “БИР” деди. Бу сўз менга бир умрга етарли бўлди. Шундан сўнг орамизда умуман низо чиқмади.

— Оилада уч нафар қиз эдик, — дея ҳикоясини бошлади Азиза опа. — Онам касаллик туфайли анча йиллар олдин оламдан ўтган. Отамиз онам билан жуда бахтли турмуш кечирганлари сабабли бошқа уйланишни хоҳламадилар. Ўша пайтда кенжа синглим Нодирани узатиш арафасида эдик. Опам шаҳар марказидаги кўп қаватли уйда яшайди, уч ўғли бор. Мен ҳам кўп қаватли уйда яшайман, бир ўғил бир қизим бор. Синглим катта ҳовлига ёлғиз ўғилга турмушга чиқди. Отам хайҳотдек ҳовлида бир ўзи қолди.

Авваллари синглим бизларга бу борада сира ташвиш туғдирмасди, отамизнинг иссиқ-совуғи, озиқ-овқати унинг гарданида эди. Кейинроқ опамнинг ўғиллари бобосининг ёнида бўлиб юрди. Аммо нима қилса ҳам ўғил болада, уларни овқат қилишга укуви йўқ, кекса одамни эса овқат сақлайди. Шундай қилиб, отамизга қараб туриш учун опа-сингиллар маслаҳатлашиб, бир қарорга келдик, шаҳар четиде яшашимиз, эримнинг иши, болаларимнинг ўқишларига қулайлигини инобатга олиб, ҳовлига биз кўчиб келадиган бўлдик.

Ўн йил шу ҳовлида яшадик. Бу орада отам вафот этди. У кишига қараганлигим сабабли, ҳаётлигида ҳовлини менинг номимга васият қилиб берди.

Бир куни опам келиб, "Азиза, сенинг бир ўғлинг бор, қизингни узатсанг, "дом"га ўғлингни уйлантирасан,

УЗР

СЎРАШНИ БИЛИНГ

менда эса уч ўғил. Улар уйланиш ёшига етиб қолишди. Нодиранинг жойи етарли, шу ҳовлини сотайлик, яхшигина пул бўлади. Сенга алоҳида "дом" оламиз, менга ҳам улуш берсанг, тўнғичимни уйлантирардим", дея ҳасратини тўка бошлади. Чунки опамнинг турмуш ўртоғи оламдан ўтган эди. Қолаверса, поччам рўзгордан ошишиб ўғилларига яшаб турган уйдан бошқа жой қиллолмаган. Бу гапдан жазавам тутиб, "Фарзанд бўлиб отамни бир кун боқиб қўйибсизми, Нодира кунига ярабдимми, мен-ку отамнинг охири кунига ёнида бўлган. Демак, уй-жой фақат менга тегишли. Сизни бу ҳовлида ҳаққингиз йўқ, қолаверса, отам ҳовлини менга васият қилиб берган. Бу ҳовлида набираларим катта бўлади ҳали. Унутинг, агар яна бир марта бу ҳақда оғиз очсангиз, сиздайин опам йўқ менинг", дедим қатъий оҳангда. Опамнинг кўз ёшлари юзини ювиб, ортиқ бир сўз демай, уйдан чиқиб кетди. Шу воқеадан кейин бошқа у билан гаплашмадик.

Опам уч ўғлини уйлантирди, мен ҳам

қизимни узатдим, ўғлимни уйлантирдим. Аммо бахтсизликни қарангки, ўғлим бепушт экан. Шу ҳовлига биргина ўғлимга уч маротаба келин тушириб, яйрамадим. Қизимнинг иккинчи фарзанди ногирон туғилди. Бир дардим икки бўлди. Бу фалокатлар қайдан, қайси гуноҳим учун, деб ўзимга-ўзим савол бераман, жавоби йўқ. Бир куни синглим Нодира:

— Сиз опамдан кечирим сўрашингиз керак, агар опам сизни кечирмас экан, ҳеч қачон рўшнолик кўрмайсиз, — деди.

— Қайси гуноҳим учун узр сўрашим керак, нима айб қилибманки опам мендан норози бўлади. Ахир ҳовлини олган бўлсам, бунинг учун меҳнат қилиб қўйдим-ку, — деб ўзимни оқлашга тушдим.

— Барибир, ҳовлида барчамизнинг ҳаққимиз бор. Сиз нотўғри иш қилдингиз.

— Сени ҳам опам заҳарлаган, маслаҳатингга зор эмасман, боре.

— Ҳали кўп афсус қиласиз.

Аммо унда кеч бўлади.

— Насиҳатинг ўзингга сийлов, истасанг, сен ҳам мендан кечиб юборавер.

Шу бизнинг охириги суҳбатимиз бўлди. У ҳам бора-бора келмай қўйди. Мен ўзимни ҳақ деб билардим, ноҳақлигимни эса опам вафот этганлиги ҳақидаги хабарни эшитганимда тушуниб етдим. Ҳаётимдаги парокандалик, бахтсизлик, меҳрсизлик — ҳамма-ҳаммаси опамнинг мендан кўнгли оғригани эвазига экан. Ғурур сабабли мен ўз жигаримдан кечирим сўрай олмадим. Алам қилгани, қабримга кўтариб кетолмайдиган шу ҳовли умримни азобда ўтказишга сабаб бўлди. Бир неча йилдирки азобдаман, ҳаловатим йўқ.

Азиза опамнинг ҳикоясини тинглар эканман, чин дилдан узр сўрашни билиш ҳам фазилат эканлигини тушундим. Аждодларимиз "Узр сўрашни билиш — буюклик белгиси", деб бежизга айтишмаган.

"Мен ноҳақ

эдим, нотўғри иш қилдим, узр сўрайман", дейишни билишимиз керак экан. Агар узрни шунчаки эмас, чин дилдан сўрасангиз, демак, сиз кучли ирода соҳибсиз. Одамлар самимий узрнигина қабул қилади. Биз узримиз самимий эканлигини кўрсата олишимиз зарур.

Келинг, агар ноҳақ бўлсак ёки бирор-бир ишни нотўғри қилсак, узр сўрайлик. Кимдан узр сўрашинг аҳамияти йўқ, ўз боламизданми, фаррошданми, ходимданми, бошлиқданми, асосийси, узр сўрашни билайлик. Бу билан атрофдагиларнинг чексиз ҳурмати ва муҳаббатига сазовор бўламиз. Агар сиз бировни атайлаб ранжитмаган бўлсангиз, унда сизнинг узрингиз ҳар доим қабул қилинади.

Феруза ОРИПОВА

Ибрат

Бургут — йиртқич қуш. Салобати ўзгача. Қолганларга ўхшамайди. Модаси ўзига жуфт танлаш вақтида беўхшов мусобақа ўтказиши. У дарахт чўпларидан олади-да, нар бургутлар бор жойга бориб, юқорига учиб, тепадан жарликка чўпларни ташлайди. Нар бургутлар чўпни ушлаш учун пастга шўнғийди. Бу ҳолат бир неча марта такрорланади. Энг эпчили танланади. "Жон чекмасанг, жанона қайда", деганлари шу бўлса керак.

БУРГУТГА ЎХШАГИМ КЕЛАР

Кейинги босқич танланганни қайта синаш. Бир-бирининг панжасига панжасини қўйиб ерга қадар хавфли, аммо жозибали парвозларни амалга оширишади. Бу жараён гўё синов. Бир-бирига ёққач, оила қуришади.

Улар оила ишларини бирга бажаради. Ота бургут тухум босиб ётган вақтда она бургут емиш топиш ҳаракатида бўлади. Оила қурилгач, улар осмонга кўтарилади ва энг хавфсиз жойни танлаб, бақувват чўплардан уя қуради йиртқичнинг душмани йиртқичдир. Шу боис юмшоқ патларини у ерга қоқиб, атрофини қўрғонлашади.

Она бургут тухум босган вақтида ота бургут фалакка кўтарилиб, қанотларини кенг ёйди ва айланиб учади. Орада чинқироқ товушларини тарқатади. Бу билан у бошқаларга бу ерлар унга тегишли эканининг хабарини беради. Уясига яқинлашган ҳар қандай йиртқичга бор кучи билан ташланади.

Жўжалари тухумдан чиқиб, катта бўлгач, ота-она уларни учигида ўргатишни бошлайди. Ўлжа олиб келинганда, ота-она уни уядан сал нарироқда ейишни бошлайди. Буни кўрган полапон ўша тарафга интилади ва аксар



ҳолларда пастга қулайди. Шу дамда ота бургут зудлик билан пастга учади ва боласини тутиб уяга олиб чиқади. Учишни ўргангунча бу ҳол давом этаверади. Сўнгра ота бургут боласига ов ва ўзини ҳимоя қилишни ўргатади. Мустақил ҳаётга тайёр бургутлар уясини тарк этади. Нар ва мода эса бир-бирини ҳимоя қилиб яшашда давом этади.

Ҳа, айтганча, бургут билан тасқарани алмаштирманг. Тасқара тепа кал ва ўлакка билан озиқланади. Ўзингизни қайсидир қушга ўхшатишса, унинг хусусиятларини билиб олинг. Йўқса, кулгига қоласиз.

Зафарбек СОЛИЖОНОВ

Билиб
қўйган яхши

МУВАФФАҚИЯТ ҲАҚИДА ҲИКМАТЛАР

Ўзингиз орзу қилган киши бўлишингиз учун ҳеч қачон кеч эмас.

Жорж ЭЛИОТ

Агар сен бирор нарсани ўйлаб топа олсанг, уни бажаришга ҳам қодирсан.


Уолт ДИСНЕЙ

Муваффақият фақат интилувчан одамгагина насиб қилади. Қийин шароитда тушқунликка тушадиганларни эса жуда кам йўқлайди.

Жавоҳарлаъл НЕРУ

Бекорчиликдан ақлий ва жисмоний ланжлик келиб чиқади.

Дмитрий ПИСАРЕВ



Буюк муваффақиятлар қатъият ва кунт-матонатнинг натижаси, холос.

Сэмюэл ЖОНСОН

Умр ўтказишнинг иккита усули бор. Биринчиси, гўё ҳеч қандай мўъжиза йўқдай яшаб ўтиш. Иккинчиси, ҳаётдаги ҳамма нарсга мўъжиза эканига ишониб яшаб ўтиш.

Альберт ЭЙНШТЕЙН

Ҳаёт оғир меҳнат ва ташвишларсиз сизга ҳеч нарсга ҳада этмайди.

ГОРАЦИЙ



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Фарғона вилояти бошқармасида 2018 йил 08 июнда 12-041 рақам билан қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail: hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor Press" тахририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул: Н.ТУХТАМАТОВА
Саҳифаловчи: А. КАБИРОВ
Манзилимиз: Андижон шаҳри, 105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.
Тел: 378 298-01-07

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00
Топширилди - 20.00
Қоғоз бичими - А3
Буюртма: Г-0149 Адади: 6160
1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда келишилган нархда.